

(Давоми. Боши 1-бетда).

Баъзида Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва кўмиталарда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда қизгин тортишувлар юз бергани ҳақидаги гаплар қулоққа чалиниб қолади. Ахён-ахёнда Сенат кўмитала-

кўрилган қонунларга қайтсак. Ушбу қонунларнинг айримлари хусусида экспертлар фикр билдирар экан, Ўзбекистон нафақат тинчликпарвар ташки сийёсат олиб бораётгани, балки фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг тинч ҳаёти ва меҳнатини ташки

ҳамжамиятининг ядровий терроризмга ҳар томонлама қаршилик кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади ва иштиракчи давлатлар учун халқаро ҳамкорлик воситалари орқали кураш ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга ёрдам беради. Мамлакатимизнинг Коллектив

минлаш жараёнларида унинг хиссасини кўпайтиради. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун яратган меъёрлар, яъни инсоният цивилизациясидаги воқелиқдан аллақачон унут бўлиб кетиши лозим бўлган одам савдоси каби аянчли ҳолатларга барҳам бериш

рият ҳисобланишини ҳис қилишга замин яратди. Ўзбекистон мазкур йўналишда ўзи қўшилган халқаро ҳужжатларни амалга ошириш жараёнида бошқа аъзо давлатлар билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатади. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин, мамлакатимиз ушбу соҳада халқаро ҳамкорликнинг янги босқичига кўтарилди.

ДАВР ТАҚОЗО ЭТГАН ҚОНУНЛАР

ри йиғилишларида ҳам баъзи ҳолатлар юзага келиши, табиий. Негаки бунинг сабаби у ёки бу ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишда моддани-модда келишувга эришиш ёки уни яратишда энг тўғри қарор қабул қилишга интилишдир.

Табиийки, Олий Мажлисдаги бу каби ҳолатлар тўсатдан пайдо бўлиб қолган эмас. Аслида иккала палата тузилмаларидаги бундай иш жараёни оддий тусга кирган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар ҳар томонлама пухта ўйлангандан кейингина ялпи мажлисга тақдим этилмоқда. Демак, қабул қилинаётган ва маъқулланаётган ҳужжатлар сифати ҳам яхшиланимоқда.

Шу ўринда Сенатнинг ўтган ялпи мажлисида

таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун шароитлар яратишга интилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари раҳбар ташаббуси билан киритилган ҳамда юқори палата аъзолари томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага (Тошкент, 1992 йил 15 май) қўшилиш ҳақида»ги Қонунлар ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатлардан ҳам билиш мумкин.

Ялпи мажлисда таъкидланганидек, Ядровий терроризм актларига қарши курашга оид халқаро конвенция жаҳон

хавфсизлик тўғрисидаги шартномага қўшилиши тинчлик ва барқарорликни, халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитети самарали тарзда ҳимоя этилишига ёрдам беради ҳамда ўзбекистоннинг суверен ҳуқуқи ва Конституциянинг 17-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси ташки сийёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Мудоаа тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларига тўла мос келадиган. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги ролини оширади, ҳудудий ва халқаро хавфсизликни таъ-

борасидаги ҳуқуқий асос таҳлилчилар назаридан четда қолмади. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, бундай ҳолатлар ҳали ҳам мавжуд. Миграция жараёнлари тезлашгани сари Ўзбекистон фуқаролари ҳам унинг қурбонига айланмоқда. Сўзга чиққан сенаторлар таъкидлаганидек, маъқулланган мазкур қонун одам савдосига қарши курашиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини камайтириш, ушбу ҳодиса билан боғлиқ ҳолатлардан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш каби ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қучга кириши мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қаерда бўлмасин, у ҳар доим Ватан ҳимоясида эканлиги, инсон ҳаёти олий қад-

Олий Мажлис Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг таҳлилчилар қайд этган яна бир жиҳатига эътибор қаратишни истардим. Уларнинг фикрича, кун тартибидagi масалаларни кўриб чиқиш жараёнида сўзга чиққан сенаторлар, асосан, маъқулланган қонунларни аҳолининг кенг қатламларига тushунтириш, уларни амалиётга жорий этиш механизмлари ҳақида тўхтадилар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, парламент юқори палатаси ушбу вазифани минтақавий вакиллик органи сифатида вилоят, шаҳар ва туман Кенгашилар депутатлари билан ҳамкорликда адо этиши лозим.

Умуман олганда, навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқилган ва маъқулланган қонунлар бугуннинг энг долзарб масалалари — мамлакатимизда жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, ислоҳ қилиш ва модернизациялашни босқичма-босқич амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Пўлат ДОНИЁРОВ.

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодекслари, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар жараима тарихидаги жинорий жазони ижро этиш мuddатларини белгилөөчи айрим қонун ҳужжатлари нормаларидаги баъзи келишмовчиликларни бартараф этади, жараима жазосини жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш ва жарималарни мажбурий тарзда ундириб олиш тартибни расамдага солади, шунингдек, жараима тарихидаги жинорий жазо ижросини амалий жиҳатдан таъмин этиш учун тегишли ҳуқуқий база яратди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг ижтимоий хавфи тамом бўлган жиноятчиликка нисбатан анча қамлигини инобатга олган ҳолда киритилган ўзгаришлар қамроқ жазо мuddати тайинлаш имконини беради. Шу билан бирга, бундай енгилаштирувчи ҳолатлар ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жинорий уюлма аъзоларига нисбатан, тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлган жиноятлар учун, шунингдек, оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган жиноятларга жазо тайинлашда қўлланилмади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига киритилган ўзгаришлар гиёвхандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга оид жиноятлар тўғрисидаги жиноят ишларини жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судлари судловига ўтказиш имконини беради ҳамда оид судловни амалга ошириш масалаларида туман (шаҳар) бўғинига мансуб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан янада жипсроқ ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъмин этади.

Коммунал хизматлар тўлови ва иш ҳақи бўйича қарзларни ундириш тартибни соддалаштириш мuddасини кўлаб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритилди, суд буйруғи чиқаришда асос бўладиган талаблар рўйхати кенгайтирилди.

Масалани муҳофаза этиш асносида давра суҳбати иштирокчилари ўзаро фикр алмашдилар, қонунчилик йўналишидаги ишларни такомиллаштириш, суд амалиётида қонунларнинг устулигини ва ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини қўлланишнинг бир хиллигини, шунингдек, жараима тарихидаги жинорий жазони мажбурий тартибда ижро этишнинг процессуал ҳуқуқий механизмларини яратиш орқали содир этилган жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш масалалари юзасидан бир қанча тақлифлар билдирдилар.

Иштирокчилар давра суҳбати якунлари асосида тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Тадбирда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужжатлик суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси, Тошкент давлат юридик институти, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(Ў.А.)

ЦЕМЕНТ АРЗОНЛАШДИ

Унинг биржа бозори барқарорлаша бошлади.

Хусусан, кейинги ҳафтада ушбу қурилиш ашёси баҳоси 23 фоизга пасайиб, ҳар тоннаси 211 минг сўмга тушди.

Қолаверса, ШПЦ400 русумли цементнинг алоҳида битим бўйича ўртача баҳоси 27 март кuni ўтказилган сав-

дода тоннаси 109 минг сўмга тушди, бу бозор иштирокчиларида умидбахшлик туйғусини уйғотди.

Экспертлар цементнинг биржа баҳоси бундай ўзгаришига ўзимиздаги барча цемент заводлари тақлиф этаётган маҳсулотлар ҳақми иччи кўпайтаётганига тўғрйли эришилди, деб баҳолашмоқда. Цементчиларнинг фаол ишлашлари тўғрйли ўтган ҳафтада биржа савдосига қўйилган маҳсулотни деярли 100 минг тоннага етказишга муваффақ бўлинди, бу жорий йил бошидан буён ўртача ҳаф-

талик кўрсаткича нисбатан 37 фоиз кўпдир. Биржа брокерлари ва бозорнинг асосий иштирокчилари фикрича, йил бошидан нархнинг ўсиши у қадар асосли бўлмади, эндиликда бу кўрсаткич адолатли, иқтисодий заминга таянган даражага яқинлашмоқда.

Цементнинг ички бозордаги нарх ўзгаришлари биржа товар-хом ашё бозорлари ривожининг дунё амалиёти нуқтаи назардан баҳоланса, мутахассислар вужудга келган ҳолатни даромаднинг қайд этилиш даврига хос деб баҳолашмоқда, бу оdatда, маҳсулот котиروвкиси ва бозорнинг барқарорлашиши сифатида изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси матбуот хизмати ҳамкорлигида тайёрланди.

Ғолибларга мўқофотлар:

Ғолиблар танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланди. Танлов материаллари ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деган қайд билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашига 2008 йил 31 декабрга қадар жўнатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй. Ташкилий кўмита.

Яхши хабар

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этадиган «Тюбегатан» калий қонида тупроқ ишларини бажаришга киришилди. Мутахассисларнинг таъкидлашча, Хисор тоғининг Тепакўтон тизмаси бағридаги бу ер ости хазинасида 300 йилга етадиган хом ашё захираси мавжуд. 400 метр чуқурликдаги мазкур қони ўзлаштиришда Россиянинг «ЗУМК инжиниринг» масъулияти чекланган жамияти иштирок этмоқда.

«Тюбегатан» қони:

ҚАЗИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

— Қонда қазиш ишларини бошлаш учун катта ҳажмда тайёргарлик қўрилди, — дейди қуриладиган «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» дирекциясининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Эшмўмин Жўраева. — Хусусан, коммуникация тизими барпо этилди. 17 километрлик янги йўл қурилди. 5200 метр масофага қурилиш қурилиши электр линияси тортилиб, кичик станция ўрнатилди, 5 километрлик алоқа кабелли ва газ қувурлари ётқизилди. Мавжуд йўлларни реконструкция қилиш, электр узатиш тармоғини ривожлантириш юмушлари эса давом эттириляпти.

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг қурилиши «Тошгузар — Бойсун — Қумкўрғон» темир йўлининг ишга тушиши билан бевосита боғлиқ. Чунки «Тюбегатан» қонидан қазиб олинган калийли хом ашё «Деҳқонобод» бекати ёнида барпо этилаётган қайта ишлаш мажмуида тозаланиб, ўғит ҳолатига келтирилади ва темир йўл орқали мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб берилади. У 2009 йилнинг сентябрь ойида тўлиқ қувват билан ишлаш бошлайди. 1300 кишининг кучи билан йилга 200 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилади. Халқаро шартномага мувофиқ, унинг қурилишини Хитойнинг «СИТИК» компанияси бажаради. Ҳозир қайта ишлаш мажмуида лойиҳалаш-муҳандислик ишлари низоҳасига етказилляпти.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда

«Баркамол ёшларни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари-нинг ўрни» мавзусида форум бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан ташкил этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, мамлакатимиздаги еткази ёшлар наشريларининг бош муҳаррирлари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАТБУОТНИНГ ЎРНИ

Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати О. Усаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга ошириляётган ислохлар замирида ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол шахслар этиб тарбиялаш мақсади мутасаддилар таъкидладилар. Ёшларнинг тўлақоли таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва қўбилияти, интилиш асосида касб-хўнар эгаллаши учун барча имконият ва шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган ва изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этиляётган «Ёшлар йили» Давлат дастури

ёш авлодга оид барча долзарб масалаларни ҳал этиш, таълим тизимида олиб бориляётган ислохларни янада чуқурлаштириш, йигит-қизларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашига қўмақлашиш каби олжаноб мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Дастурда ёшлар таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоялашга доир ҳуқуқий базани такомиллаштириш, уни тобора мустаҳкамлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг сифатини тубдан яхшилаш, ёш авлоднинг турли салбий таъсирлардан ҳимоялаш, уларда Ватан тақдири учун дахлдорлик ҳиссини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, истеъдодини

кашф этиш каби йўналишларда долзарб вазифалар кўзда тутилган. Бундай масъулият юмушини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқисбдир. Форумда «Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш — мамлакат тараққиётининг муҳим омил», «Ёшларнинг маънавий юксаклигини таъминлашда таълим муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини ошириш», «Оммавий ахборот воситаларида ёшлар мавзусининг ёритилиши» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.



Навоий томонларда

Қурувчилар тўхфаси

2008 йилда Навоий вилоти марказида ёшлар учун янги уй-жойлар қурилиши қизгин паллага кирди.

Уларга атаб қурилган, 40 ва 48 оилга мўлжалланган иккита кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиш арафасида. Бу кўркем биноларни Навоий шаҳар 10-қурилиш-монтаж бошқармаси ва Қизилтепадаги «Темур-Малик» МЧЖ қурувчилари бунёд этмоқдалар.

Шунингдек, вилоят марказининг шарқ томонида бирданга бир нечта кўп қаватли уй-жой бинолари қурилиши учун ёр ажратилди. Қурилиши «Рим-ком», «Шодия», «Зилола пойдевори» сингари фирмалар амалга оширадиган бўлишди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг шарофати

Навоийнинг йирик саноат корхоналарида ўндан ортиқ турдаги тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоятда «Маҳаллийлаштириш дастури» асосида қўшимча материаллар ишлаб чиқаришга эътибор юқори. Унга асосан, «Бағил-Медикал» ШК неғизида бир марталик шприц, «Қизилқум селикати» қўшма корхонасида селикат гишти, «Навоий-Миллинг» ЧЗК да майдаланган тош ва фосфорит уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилдиган бўлди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КАСАНАЧИЛАРГА БУЮРТМА

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини фойдаланган меҳнатга ҳамад этиш, оила бюджетни даромадларини кўпайтириш ҳамда йирик саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур Фармон асосида «Каттақўрғон» тикувчилик корхонаси 28 нафар хотин-қиз билан шартнома тузиб, касаначилик асосида меҳнат фаолиятини йўлга қўйган. Ҳозирда ишчи-ходимлар учун хизмат кийимлари тикадиган ушбу корхона маҳсулотларига қўлаб ташкилотлардан буюртмалар тушмоқда.

СУРАТДА: тикувчи Малика Долиева.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилинган муносабати билан оммавий ахборот воситалари, энг аввало, ёшлар ва болаларга қаратилган даврий нашрлар, интернет-порталлар ва сайтлари республикамизда ўсиб келаятган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воғга етиши йўлида амалга ошириляётган савй-ҳаракатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, илганишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий материаллар билан бойитиш,

ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатдаги ёшларга итиссослашган барча газета ва журналлар, интернет-порталлар ва веб-саҳифаларга ижодкорларини, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ижод билан шуғулланыётган талаба-ёшларни «ЎЗБЕКISTON — МЕНИНГ ВАТАНИМ!» деб номланган танловда иштирок этишга тақлиф қилади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камалак» болалар ташкилоти

Танлов шартлари: Танловда мамлакат ҳудудида рўйхатга олинган, мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига итиссослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар, веб-сайтлар, 30 ёшгача бўлган ва мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борадиган ёки улар билан ҳамкорлик қиладиган ижодкорлар, олий ўқув юрталарининг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишлари мумкин.

Танловга топширилган материаллар 5 тадан кам бўлмаслиги шарт. Танловга юборилган ижодий ишлар тақриб қилинмайди ва қайтарилмайди. Ғолибларни аниқлашда тақрирлар фаолиятининг ёшлар ва болалар

ўртасида оммавийлиги, мавзунинг ёшлар ҳаётида тугатган ўрни, долзарблиги, «Ёшлар йили» Давлат дастури мақсад-вазифаларига мувофиқлиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий оригиналлик асосий мезон ҳисобланади.

Танлов икки йўналишда ўтказилади: 1. Ёшлар ва болалар йўналишига итиссослашган энг яхши босма оммавий ахборот воситалари, интернет-порталлар ва веб-саҳифалар тақрирлари учун. 2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва интернет тармоғида чоп этилган, ёшларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, ўсиб келаятган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол воғга етишига қаратилган материаллари учун.

Танловга 2008 йил 1 январдан 2008 йил 20 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади. Танлов ғолиблари нуфузли экспертлардан таркиб топган танлов ҳайъати томонидан аниқланади. Танлов номинациялари: Тақрирлар йўналиши бўйича: — энг яхши ёшлар газета/журнали; — энг яхши болалар нашри; — энг яхши танловга газетаси; — ёшларнинг энг оммавий портали, веб-саҳифаси.

Ёш журналистлар йўналиши бўйича: — «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» («Ёшлар йили») Давлат дасту-

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672 сонли Қарорига мувофиқ
«САМАРҚАНДИМИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 100% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«Самарқандим» ОАЖ томонидан чиқарилган 100% оддий акциялар фаолият турини сақлаш шартли билан сотувга қўйилади. Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — **20 506 000** (йигирма миллион беш юз олти минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар — **7 300 000** (етти миллион уч юз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади. «Самарқандим» ОАЖнинг 100% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устуликка эга бўлади.

«Самарқандим» ОАЖ Самарқанд шаҳрида жойлашган бўлиб, 1954 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси сифатида ташкил этилган. Корхонанинг асосий фаолият тури — нитрокальцийфосфат ўғитини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендери ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи **2 000** (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказилиши лозим:

- валюта ҳ/р 20 203 840 500 600 289 001;
- ҳисоб рақами 20 203 000 600 600 289 001.

«Ипак йўли» АИТБ амалиёт бўлими бошқармаси, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй, ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 майда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди. Тендер таклифларини очиб 2008 йил 28 майда Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
 Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават. Бош директор в.б. Аҳмеджанов Ҳалил Ҳакимжанович эътиборига.
 Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces

The Open Tender for Privatization Sale of the 100% Share Package of Joint Stock Company "Samarqandkimyo"

100% shares of issued common stock of the Joint Stock Company "Samarqandkimyo" are being offered for sale with the obligation to maintain current production activity. Starting bidding price for the said package of shares is not less than **20 506 000** (twenty million five hundred six thousand) US dollars. Investment obligations that investor has to undertake constitute the amount of not less than **7 300 000** (seven million three hundred thousand) US dollars. At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the 100% of shares of the Company and to take upon the highest value of investment obligations.

JSC "Samarqandkimyo" is situated in Samarkand city and was established in 1954 as an enterprise for production of mineral fertilizers. Main direction of production activity of the enterprise is production of Nitro-calcium-phosphorus fertilizer.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes **USD 2 000** (two thousand), which are to be transferred to either of the following accounts:

- USD Account: 20 203 840 500 600 289 001 or
- UZS Account: 20 203 000 600 600 289 001

in the JSC ICB of "Ipak Yoli", TIN 201122696, bank code 00444, Farhod str., 12-A, Tashkent, 100135 S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The Bid submission deadline expires at **12:00 a.m.** Tashkent time on **28th of May 2008**. Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at **16:00 p.m.** Tashkent time on **28th of May 2008**.

Tender participants or their authorized representatives, who would submit Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tender Bids. For all issues related to the tender, please contact:

The Work Body of the State Property Committee:
 CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
 State Property Committee Bldg., 17th Floor
 Uzbekistanskaya str. 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan
 Attention: Mr. Khalil Kh. Akhmedjanov Acting Director General
 Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79 E-mail: ccpbuz@tps.uz

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672 сонли Қарорига мувофиқ
«ФОТОН» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 76% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«ФОТОН» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларининг 76% фоизини ташкил этувчи 216 207 (икки юз ўн олти минг икки юз етти) дона оддий акциялар сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — **14 825 000** (ўн тўрт миллион саккиз юз йигирма беш минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ҳамда корхонанинг инвестиция мажбуриятлари **13 500 000** (ўн уч миллион беш юз минг) АҚШ долларини ташкил этади. Шунингдек, корхона фаолият турини сақлаб қолиш, шу жумладан, кўёш батареяларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда аҳоли ва саноат тармоқлари эҳтиёжи учун дунёда тан олинган брэндлар асосида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тендер шартларининг мажбурий қисмидир.

«ФОТОН» ОАЖнинг 76% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устуликка эга бўлади.

«ФОТОН» ОАЖ Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, корхонанинг асосий фаолият тури: истеъмол товарлари — электрон асбоб-ускуналар ва мураккаб маиший техника жиҳозлари ишлаб чиқаришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информациони меморандум, тендери ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи **2 000** (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов, қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20 203 840 500 600 289 001;
- ҳисоб рақами 20 203 000 600 600 289 001.

«Ипак йўли» АИТБнинг амалиёт бўлими бошқармаси, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй, ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 майда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди. Тендер таклифларини очиб 2008 йил 28 майда Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Яқка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават. Бош директор в.б. Аҳмеджанов Ҳалил Ҳакимжанович эътиборига.
 Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces:

The Open Tender for Privatization Sale of the 76% share package of Joint Stock Company "FOTON"

216 207 (two hundred sixteen thousand two hundred seven) ordinary registered shares of Joint Stock Company "FOTON" constituting the aggregate of 76% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than **14 825 000** (fourteen million eight hundred twenty five thousand) US dollars. Investment obligations that investor has to undertake constitute the sum of **13 500 000** (Thirteen million five hundred thousand) US dollars. Also obligatory conditions of the tender are the preservation of current type of activity of the enterprise, including the organization and development of manufacture of solar batteries, as well as organization of manufacture of electrotechnical production under the world brands for the needs of population and industries.

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the 76% of shares of the Company and undertake the highest amount of investment obligations.

Joint-stock Company "FOTON" is situated in the centre of Tashkent city and its main type of activity is the manufacturing of consumer goods: electronic devices and compound household appliances.

Investors interested in participating in the Tender must first submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. In that case the Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the filled in and signed Application and Confidentiality Statement along with the copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes **2 000** (two thousand) US dollars, which are to be transferred to the account stated below.

- Foreign currency account number: №20 203 840 500 600 289 001 or
- Current account number: № 20 203 000 600 600 289 001

in the Joint-stock Innovational-commercial Bank "Ipak-Yoli", TIN: 201122696, bank code 00444, 12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent. S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The Bid submission deadline expires at **12:00 a.m.** Tashkent time on **May 28, 2008**. Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at **16:00 p.m.** Tashkent time on **May 28, 2008**.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:
 CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau State Property Committee Bldg., 17th Floor
 Uzbekistan Ave., 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan
 Attention: Mr. Khalil Kh. Akhmedjanov Acting Director General
 Telephone: +998 (71) 139 22 51 Fax: +998 (71) 139 22 79 E-mail: ccpbuz@tps.uz

ГАЗ «ЎЗБЕКЭНЕРГО»

2008 йил 1 апрелдан бошлаб электр энергиясининг тарифлари ошганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2008 йил 26 февралдаги 19-03-22-05-ЎзР-20-2008 сонли реестри

I.	Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори. Икки ставкали тариф:	
	бир йилга 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов	87200
	1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов	41,30
II.	Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қувват 750 кВА гача. Бир ставкали тариф:	
	1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов	52,50
III.	Ишлаб чиқариш кишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари	52,50
IV.	Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортиш)	52,50
V.	Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўчаларини ёритиш	52,50
VI.	Савдо ташкилотлари, кафе, рестороанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари	53,90
VII.	Аҳоли, аҳоли пунктлари	52,50
	Электр плиталар билан жиҳозланган тураржой аҳолиси	26,25
VIII.	Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совутиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси	52,50
IX.	Реклама, иллюминация	110,00
X.	Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига	52,50

- Ушбу тарифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364 сонли қарори асосида тасдиқланган.
- Ушбу тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган (VII гуруҳдан ташқари «аҳоли, аҳоли пунктлари»).
- Ушбу тарифлар кучга кириши билан 2007 йил 1 мартдан амал қилган электр энергияси тарифлари ўз кучини йўқотади.

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I»

ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Турли хил телефон тармоқлари абонентлари дуч келадиган муаммолардан бири — халқаро сўзлашувларга ҳақ тўлаш учун келадиган счётлар ҳисобланади. Интернетдан фойдаланувчи нотаниш сайт бўйича ҳаракатланади, «сичқонча» тугма (кнопка)сини босган ҳолда бир саҳифадан бошқасига ўтади. Манзиллардан бирини босганда унинг компьютерига хорижий провайдерга автоматик кўнғироқ билан дастур ёзилади. Шундан сўнг ёзилган дастур компьютерни маҳаллий провайдердан ўчиради ва автоматик равишда хорижий провайдерга улайди.

Интернетдан фойдаланувчи ўзи яхши кўрган сайтларини ўрганаётган пайтда, унинг телефондан хорижий мамлакатларга кўнғироқ қилинади ва табиийки, халқаро сўзлашувлар учун счёт келади. Электрон почта орқали келадиган шубҳали файлларни очиб ҳам шунга тааллуқлидир.

ИНТЕРНЕТ АБОНЕНТЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

Биринчидан, интернетдан фойдаланмаётган бўлсангиз, телефон линиясини модемдан ўчириб қўйинг.

Иккинчидан, ташқи модемни ўчириг.

Учинчидан, телефонингизга пароль бўйича халқаро алоқа каби қўшимча хизмат турларини ўрнатишни тавсия қиламиз;

Тўртинчидан, абонентларимиз учун интернетнинг «TSHTT» сайтига ўрнатилган «персонал кабинет» орқали паролнингизни вақти-вақти билан ўзгартириб туришингизни тавсия этамиз;

Бешинчидан, интернетдан ўзингиз билмайдиган ва унинг «ишончилиги» шубҳа туғдирадиган дастурни компьютерингизга ўрнатманг.

Хулоса сифатида шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ўз ҳисоб маълумотини қош этиши оқибатида кўрилган зарар учун жавобгарлик абонентнинг ўз зиммасига юклатилади.

Маъмурият

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПГС» Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:

Буюртмаларни қуйидаги манзилларга: Тошкент ш., Гаваҳар к., 125-уй, электрон почта: e-mail: pgs4@yandex.ru ёки 279-38-54 тел./факси орқали юбориш мумкин.

2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нарҳда жиҳозларни харид қиладилар.

Маҳсулот сертификатланган.

Жиҳозлар Давлат ёнгинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.

- электр калорифер-иситтичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситтичлар (маиший, қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (кўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоп пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший), қуввати — 1,7-6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри директори, Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Джалолова отаси

ТўЛАГАН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси компания раиси Зоҳиднон Ҳакимов фарзанди
Дилнода ҲАКИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси Ходимлар билан ишлаш бош бошқармаси бошлиги Уллубек Матқаримов отаси
Изатулла МАТҚАРИМОВнинг

вафот этганини муносабати билан чуқур таззия билдиради.

Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва Бирлашган қасба уюшма қўмитаси Педагогика ва тиллар кафедрасининг профессори
Малик Шаҳмудович АБДУСАМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таззия изҳор қилади.

Янги саҳна асафр

Маданият хабарлари

Наманганда ўтказилган "Болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталиги" ўғил-қизларнинг турфа хил адабиётларга бўлган қизиқишини янада орттирди.

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят музыкали драма театри репертуари яна бир янги асар билан бойиди.

Театрда драматург ва олим Аҳбор Хасаннинг "Муҳаббат формуласи ёки сўнги пушаймон" асари тақдими бўлиб ўтди. Истеъдодли режиссёр Бурон Ақоби-ров саҳналаштирган маъмур асар ёш томошабинларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Унда ёлгон ва хиёнат ўққонига

ташиб қолган инсоннинг ачир қисмати таъсирчан лавқаларда очиб берилган. Бинобарин, азалий ва абадий мавзу — муҳаббат талқини томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Китоб — дунё калити

Ҳафталик доирасида вилоят ахборот-ресурс марказида ташкил этилган "Дунё — тилсим, китоб — унинг калитидир" мавзусида адабий-музика кечага мактаб, лицей ва касб-хунар коллежларининг юздан зиёд ўқувчиси тўланди. Наврўз тадбирларига ҳамроҳанг ўтган кеча

вилоятда яшаб, ижод қилаётган ёзувчи, олимлар иштирокидаги мароқли суҳбатга айланиб кетди. Шу кунги марказ хизматидан фойдаланган ёшлар сафи яна эллик нафарга кўпайди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёмғир ёғадими?



Иқлим

Айни кунларда кўпчиликни ушбу савол жавоби қизиқтираётгани табиий. Чунки баҳор мавсумида ёғингарчиликнинг ҳам ўз ўрни бор.

Лекин негиздан бу йилги кўкларда ёмғирли кунлар одатдагидан кўра камроқ кўзатиляпти. Бу ҳол яна қанча давом этади? Ёмғир ёғадими? Бу ҳақда республика Гидрометеорология хизмати маркази мутахассисларига мурожаат қилдик. Улар олдимиздаги беш кун об-ҳавосини кўйидагича башорат қилишмоқда:

1-4 апрель кунлари юртимизда ҳаво ўзгариб тура-

ди, ёғингарчилик кўзатиляпти. Фақат 4 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. 5 апрель кун эса республикамизнинг айрим ҳудудларида вақти-вақти билан ёмғир ёғадди. Фардан сўнгиди 7-12 метр тезликда шамол эсади, 4-5 апрелда унинг тезлиги 15-20 метргача етади. Ҳарорат кечала-

ри 10-15, кундуз кунлари 25-30 даража илқ бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кўзатиляпти. 5 апрелда жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлади. Фардан 7-12 метр тезликда шамол эсади, 5 апрель кун унинг тезлиги 15-20 метргача етади. Ҳарорат кечалари 5-10, кундуз кунлари эса 15-20 даража илқ бўлади.

Лондондаги Британия Қироллиги музика академияси биносида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан ташриф бурган ёш ижрочиларнинг концерти бўлиб ўтди. У продюсер, машҳур музикашунос ва санъат арбоби Н. Ватанабз кўмағида ташкил этилди. Концерт дастури Буюк Британиянинг маданий ва жамоат доиралари вакиллари эътиборини жалб этди.

ЁШ ЎЗБЕК ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ЛОНДОНДАГИ МАҲОРАТИ

Унда Ўзбекистондан уч нафар фортепьяно ижрочиси — ака-ука Нурун ва Науфал Муқимий, шунингдек, Нафис Умарқулова иштирок этишди. Улар машҳур жаҳон бастакорлари Роберт Шуман ва Фредерик Шопен асарларини, шунингдек, ўзбек халқ кўшиғи "Тановар"нинг фортепьяно талқинини юксак маҳорат билан ижро этдилар. Айниқса, Р. Шуман асарларининг 12 ёшли Нурун Муқимий томонидан ажойиб тарзда ижро этилиши томошабинларнинг алоҳида оқшларига сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, пианиночилар — Нурун ва Науфал Муқимий Тошкентдаги Успенский номи махсус музика мактабининг битирувчилари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда улар Буюк Британиянинг дунёга машҳур "Purcell School Of Music" етакчи музика мактабиде таҳсил олишмоқда. Нафис Умарқулова эса Қироллик музика академиясининг талабасидир. Ҳар уч ижодкор ҳам Европа давлатлари, АҚШ ва Россиянинг бир қатор шаҳарларида ўз концерт дастурлари билан муваффақиятли иштирок этган ва нуфузли халқаро танловларнинг лауреати ҳисобланади.

Концертдан сўнг мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси томонидан 2008 йилнинг Ўзбекистонда "Ёшлар йили" деб эълон этилишига ҳамда шу муносабат билан қабул қилинган махсус давлат дастурига бағишланган тақдирот ўтказилди.

Анжуманда бу каби ва бошқа тадбирлар Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ёш авлодни тарбиялаш ҳамда камол топтириш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни рағбатлантиришга қаратилган доимий эътибордан далолатдир, дея қайд этилди.

«Жаҳон» АА, Лондон



1 апрель

— КУЛГИ ВА ҲАЗИЛ КУНИ

Болакай мактабдан келиб отасига кундалигини кўрсатди. Унда ўқитувчи шундай сўзларни ёзган эди: "Ўғлингиздан бадбўй хид келяпти, уни ювинтириб қўйинг." Ота ўқитувчининг сўзлари та-

ғига ёзиб қўйди: "Боламни хидламанг, уни ўқитинг!"

ТАБАССУМ 5x5 ХАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН

Сизга бош билан ишланган сира мумкин эмас! Бунинг иложи нук, дўхтиржон. Мен ҳаминша бош билан ишлайман. Нима, ижодкорликка экин олимисиз? Нук, сартарошман.

Мате-матика дарсида муаллим ўқувчидан сўради: — Даданг 120 минг сўм иш ҳақи олиб келди, дейлик. Ойинг 75 минг сўмини олса, дадангда қанча қолади? — Ҳеч қанча. — Қанақасига? — Ойим майдалаб ўтирмайдилар, дадандан борини шилиб оладилар.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига мувофиқ 2008 йилги БАЛИҚЛАР УРЧИШ ДАВРИДА САНОАТ МАҚСАДИДА БАЛИҚ ОВЛАШ:

- ⇒ Амударё ва Сирдарёда 25 мартдан 15 июнгача;
- ⇒ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сув ҳавзаларида 5 майдан 20 июнгача;
- ⇒ барча бошқа сув ҳавзаларида 26 апрелдан 10 июнгача ТАКИКЛАНГАН.

Балиқлар урчиш даврида моторли қайиқларда сузишга фақат ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш давлат назоратчилигига рухсат берилди, ов ҳужайкалари егерлар хизматига эса фақат табиатни муҳофаза қилиш органлари рухсатномалари бўйича рухсат этилади.

Балиқлар урчиш даврида спорт ва ҳаваскорлик тарзида балиқ овлашга қармоқлар сони 5 тадан ошиб кетмаслик шарти билан рухсат берилди.

Давлат биоазорати.

ТАЛАБАЛАР ВА РОССИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЎҚИШ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН РОССИЯ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ МАҚБУЛ ТАРИФЛАРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

МОСКВА	С-ПЕТЕРБУРГ
364 ЕВРО	295 ЕВРО
ва ундан юқори	ва ундан юқори

(бориш ва қайтиш) (бориш ва қайтиш)

ТАРИФААР ТАКСА ВА ИНГИМААР ҲИСОБГА ОЛИНМАГАН ХОДАА КЎРСАТИЛГАН, ЖОЙЛАР ЧЕГАРАЛАНГАН.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

Телефонлар: Тошкентда: 233-27-45; Бухорода: 383-44-25.

Акредитация сертификати № 210.

COSCOM

O'rik novdalarini g'unchalar bezadi,
Mayindir yosh mayalar,
Shabada binafsha yaproqlarini erkalamoqda...

ВАНОР АҲҲОМИ
SIZGA QUTLUG' BO'LSIN!

Хизматлар иттифоқида оға (Лицензия АА № 0002348, О'ЗААА томонидан берилган)

Спорт • Sport • Спорт

Жанубий Кореяда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этган полковларимиз ватанимизга қайтиб келишди.

БРОНЗАДАН ОЛТИНГАЧА

Қитъа чемпионатида мураббий Маъмуржон Рўзиев бошчилигидаги эркин курашчиларимиз учта медални қўлга киритишди. Жумладан, Курбон Курбанов (96 кг.) ўз вази тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб олтин медал соҳиби бўлди. Увайс Тулаганов (60 кг.) ва Абдул Аммаев (84 кг.) бронза медаллари билан тақдирланишди.

Мураббий Комил Фатхуллин раҳбарлигидаги юнон-рум кураши бўйича терма жамоамиз аъзолари ҳам юртимизга учта медал билан қайтайдиган бўлишди. Вакилларимиздан Дилшод Орипов (60 кг.)га кумуш, Абдумалик Алиев (96 кг.) ҳамда Давид Солдатзе (120 кг.)га бронза медаллари насиб этди.

ТУРНИР ЖАДВАЛИДА ИККИ ПЕШҚАДАМ

Қисқа танафусдан сўнг футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионатининг 3-тур ўйинлари давом эттирилди.

Ушбу турда миллий терма жамоамизнинг асосий ўйинчилари жамланган "Пахтакор" ва "Қурувчи" ўзларининг навбатдаги галабасини нишонладилар. Амалдаги чемпион "Пахтакор" ўз майдониде Самарқанднинг "Динамо" жамоасидан 1:0 ҳисобида устун келди. Тўпни Фарход Тожиёв киритди. "Қурувчи" эса Анвар Солиевнинг иккинчи бўлимда киритган ягона голи эвазига (0:1) сафарда «Анджон»ни еғди.

Янги мавсумда олий лига сафига қайтган "Сўғдиёна" жамоаси ҳам очко йиғишда давом этмоқда. Жиззахлик футболчилар ушбу турда "Ло-

комотив" жамоасини (1:0) мағлубиятга учратди. Турнинг қолган учрашуварларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Кизилкум" — "Навахор" 1:1, ОТМК — "Металлург" 1:0, "Бухоро" — "Машъал" 0:0, "Насаф" — "Шўртан" 2:0, "Нефтичи" — "ЎзДонЖу" 2:0.

Учинчи турдан сўнг турнир жадвалида "Пахтакор" ва "Қурувчи" жамоалари 9 тадан очко билан турнир жадвалида қўшпешқадам бўлиб туришди. Кейинги ўринларда бораётган "Насаф" ва "Сўғдиёна" жамоалари ҳисобида 7 тадан очко бор.

КХАнинг янги аъзоси Франция кураш федерацияси ўз давлатида миллий кадриятимизни ривожлантириш ва оммавийлаштириш борасида қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

ФРАНЦИЯДА КУРАШ ТАҚДИМОТИ

Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматида олинган хабарда айтилишча, жорий йилнинг 10-11 май кунлари Францияда дзюдо бўйича миллий чемпионат бўлиб ўтади. Аҳамиятлиси, чемпионат доирасида миллий спортимиз

— кураш тақдимоти ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу ўз навбатида, курашнинг Франция ёшлари орасида янада оммалашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Спорт • Sport • Спорт

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов.
Навбатчи — З. Жонбеков.
Мусаҳҳаф — Ҳ. Тошқужаев.